
“HUDUDGAZ FARG’ONA” ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ижтимоий тармоқларда “Қувада жанжал Газ йўқ Кўпқаватли уйларда газ йўқлиги сабаб яна жанжал кўтарилди!!!”. Хабарда баён этилган масала юзасидан “Hududgaz Farg’ona” газ таъминоти филиали тасарруфидаги “Quvatumangaz” газ таъминоти бўлими масъул ходимлари томонидан ўрганишлар олиб борилиб, қуйидагилар маълум қилинади.

Фарғона вилояти Қува тумани “Ғалаба маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғинида жами 618 та хонадон мавжуд бўлиб, 618 та хонадон табиий газ билан таъминланиб келмоқда. Ғалаба МФЙ Ғалаба кўчасидаги уйлар ҳам табиий газ тармоғига уланган бўлиб, 2021 йил 1-2 январь куни магистрал газ қувурларида совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши ва ҳароратнинг кескин тушиши оқибатида табиий газ босми пасайиши кузатилган. Ҳозирда 618 та табиий газ истеъмол қиладиган хонадонларга бир меъёрда табиий газ етказиб берилмоқда.

Қува тумани ҳокимлигининг масъул ходимлари, сектор аъзолари, ҳудуд профилактика инспекторлари, маҳалла вакиллари ва туман газ идораси ходимлари билан биргаликда маҳаллаларда “газ сўрғичлар”ни аниқлаш бўйича тунги рейдлар ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, ҳар бир хонадонга газдан тўғри фойдаланиш юзасидан эслатмалар, огохлантиришлар бериб борилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Қува тумани истеъмолчиларини газ билан таъминлашга оид мурожаатларни “Quvatumangaz” газ таъминоти бўлимининг “Call-марказ”ига (73) 315-03-93 телефон рақами ёки авария диспетчерлик хизматининг 104 рақамига қўнғироқ қилиб боғланишларини сўраб қоламиз.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2021-01-19 18:09:14